
Эртага, 12 март куни Яйпан ГРС истеъмолчилари газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!

“Фарғона” магистрал газ қувурлари бошқармаси ва “Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиалининг тегишли хабарномаларига асосан эртага **2024 йил 12 март** куни Яйпан ГРС тармоғида торайтириш мосламаси (шайба)ни алмаштириш муносабати билан аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларга соат **11:00 дан 17:00 га қадар табиий газ бериш вақтинча тўхтатилади.**

Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш сўралади.

“Худудгаз Фарғона” ГТФ “Ўзбекистонтумангаз” газ таъминоти бўлими истеъмолчилардан вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўрайди.

2024-03-11 17:05:09